



## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ЛИКВИДЛИГИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

*Муродова Дилноза Чориевна -  
Тошкент молия институтининг  
докторанти, PhD*

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss6/a16](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a16)

**Аннотация:** Тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш уларнинг тўловга қобиллигини таъминлашнинг муҳим омили бўлгани ҳолда, мамлакат иқтисодиётида амалга оширилаётган тўловларнинг узлуксизлигини таъминлашнинг зарур шартини ҳисобланади. Шу сабабли, тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш пруденциал банк назоратининг асосий объектларидан бири ҳисобланади. Мақолада Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлигини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** тижорат банки, Марказий банк, ликвидлик, актив, мажбурият, депозит, трансакцион депозит, капитал, қимматли қоғоз.

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ РЕГУЛИРОВАНИЯ ЛИКВИДНОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ

*Муродова Дилноза Чориевна -  
PhD, докторант Ташкентского финансового института*

**Аннотация:** Обеспечение ликвидности коммерческих банков является важным фактором обеспечения их платежеспособности, необходимым условием обеспечения непрерывности платежей, осуществляемых в экономике страны. Поэтому обеспечение ликвидности коммерческих банков является одним из основных объектов пруденциального банковского контроля. В статье выявлены актуальные проблемы, связанные с совершенствованием практики регулирования ликвидности коммерческих банков Республики Узбекистан и разработаны научные предложения, направленные на их решение.

**Ключевые слова:** коммерческий банк, Центральный банк, ликвидность, актив, пассив, депозит, транзакционный депозит, капитал, ценные бумаги.

## IMPROVING THE LIQUIDITY REGULATION OF COMMERCIAL BANKS

*Murodova Dilnoza Choriyevna -  
PhD, doctoral student Tashkent institute of finance*

**Abstract:** Ensuring the liquidity of commercial banks is an important factor in ensuring their solvency, and is a necessary condition for ensuring the continuity of payments made in the country's economy. Therefore, ensuring the liquidity of commercial banks is one of the main objects of prudential bank control. In the article, the current problems related to the improvement of the practice of regulating the liquidity of the commercial banks of the Republic of Uzbekistan are identified and scientific proposals aimed at solving them are developed.

**Key words:** commercial bank, Central Bank, liquidity, activ, obligation, deposit, transaction deposit, capital, securities.

**Кириш.** Тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ривожлантиришнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида тижорат банклари кредит портфелини ва улар фаолиятидаги рискларни бошқариш сифатини ошириш мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган [1].

Айни вақтда, республикада тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган бир қатор долзарб муаммолар мавжуд. Хусусан, тижорат банкларида трансформация рискининг чуқурлашиб кетганлиги, берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик миқдорининг катта эканлиги, юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган

инвестицияларнинг тижорат банкларининг брутто активлари ҳажмидаги салмоғининг кичик эканлиги шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисидаги қонунга (2019 й.) мувофиқ, Марказий банк пул-кредит сиёсатининг стратегик мақсадлари бўлиб, инфляцияга қарши курашиш, мамлакат банк тизими ва тўлов тизимларининг барқарорлигини таъминлаш бўлгани ҳолда, инфляциянинг мақсадли кўрсаткичи ва пул массасининг ўсиш суръати пул-кредит сиёсатининг тактик мақсадлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида Марказий банк тижорат банклари фаолиятини тартибга солувчи ва назорат қилувчи расмий орган ҳисобланади.

**Тадқиқот методологияси.** Илмий тадқиқотни бажаришда статистик гуруҳлаш, индук-

ция ва дедукция, эксперт баҳолаш, қиёсий ва трендли таҳлил усулларида фойдаланилди.

Илмий мақолани ёзишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг статистик маълумотларидан, халқаро экспертларнинг илмий-тадқиқотлари маълумотларидан фойдаланилди.

**Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.** АҚШлик таниқли иқтисодчи олим Ж. Синкининг фикрича, тижорат банклари ликвидлигини таъминлашда федерал фондлар, депозит сертификатлари каби активларини сотиш ва Репо битимларидан кенг қўламда фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади, бу эса, иккиламчи қимматли қоғозлар бозорининг ривожланганлиги ва кутилаётган даромад назариясини амалиётда қўлланилаётганлиги билан изоҳланади [2].

Ж.Синкининг ушбу хулосаси республикамиз банк амалиёти учун муҳим амалий аҳамият касб этади. Бу эса, республикамизда қимматли қоғозлар бозорининг ривожланмаганлиги ва тижорат банкларининг юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларининг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг кичик эканлиги билан изоҳланади. Шу сабабли, янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида мамлакат фонд бозорида операцияларнинг йиллик ҳажми ни ҳозирги 200 млн. АҚШ долларидан 2026 йилга бориб 7 млрд. АҚШ долларига етказиш вазифаси қўйилган [3].

В.Усоскиннинг хулосасига кўра, фойда кетидан қувиб банкнинг юқори рискка дучор қилиш унинг ликвидлигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтиради [4].

Бир гуруҳ иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, Базель қўмитаси томонидан таклиф этилган Ликвидлиликни қоплаш меъёри кўрсаткичининг дунё мамлакатларининг банк амалиётига жорий қилиниши тижорат банкларининг ликвидлилик даражасини оширишга хизмат қилди ва Марказий банкларни “сўнгги поғонадаги кредитор”га айланишининг олдини олди [5].

Ҳақиқатан ҳам, ликвидлиликни қоплаш меъёри тижорат банкларидан ҳар доим кейинги бир ой ичидаги соф пул чиқимини қоплашга тўлиқ етадиган миқдордаги ликвидли активларни мавжуд бўлишини талаб этади. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг ликвидлилик даражасини оширишга олиб келади. Етарли даражада ликвидлиликка эга бўлган тижорат банклари эса, баланслашмаган ликвидлилик муаммосини ҳал қилиш учун Марказий банкдан кредит олиш заруратидан халос бўлади.

Л.Саченок ва Е. Демочкаларнинг хулосасига кўра, тижорат банкларининг ликвидлигини бошқариш тизимининг асосий элементлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- лаҳзали, жорий ва узоқ муддатли ликвидлиликнинг ҳолатини таҳлил қилиш;
- ликвидлиликнинг қисқа муддатли прогностини тузиш;
- ликвидлиликни таҳлил қилиш ва ҳодисаларни банк учун салбий бўлган ўзгаришларидан (бозорнинг ҳолати, кредит олганлар ва кредиторларнинг мавқеи) фойдаланиш;
- банкнинг ликвидли активларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш;
- ликвидлиликнинг ортиқчалиги/етишмаслигини ва унинг йўл қўйиш мумкин бўлган даражасини аниқлаш;
- хорижий валютада амалга оширилаётган операцияларнинг ликвидлиликни ҳолатига таъсирини баҳолаш;
- ҳар бир валюта ва барча валюталар бўйича ликвидлиликнинг йўл қўйиш мумкин бўлган даражаларини аниқлаш [6].

З.Холмамадов ўзининг илмий тадқиқоти натижаларига асосланган ҳолда хулоса қиладики, беқарор молиялаштириш манбаи бўлган девальвация захирасининг тижорат банкларининг биринчи даражали капитали таркибига киритилганлиги, республика Марказий банкнинг очиқ бозор операцияларининг мавжуд эмаслиги тижорат банклари фаолиятидаги ликвидлилик муаммосинини чуқурлашишига олиб келган асосий сабаблар ҳисобланади [7].

Б.Бердияровнинг фикрича, тижорат банклари бирламчи захираларнинг ўсиш суръатини депозитларнинг ўсиш суръатидан ортда қолмаслигини таъминлаш, юқори ликвидли активларнинг жами активлар ҳажмидаги салмоғининг барқарор даражасига эришиш, ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларнинг жами активлар ҳажмидаги салмоғининг нисбатан юқори ва барқарор даражасини таъминлаш орқали тижорат банкларининг жорий ликвидлигини таъминлаш лозим [8].

Б.Бердияровнинг мазкур хулосаси республикамиз тижорат банкларининг активлари ва мажбуриятларининг таҳлиliga асосланган бўлиб, амалий аҳамият касб этади. Ҳақиқатдан ҳам, мамлакатимизнинг бир қатор тижорат банкларида бирламчи захираларнинг ўсиш суръатини депозитларнинг ўсиш суръатидан ортда қолиши кузатилмоқда.

С.Гадоевнинг хулосасига кўра, республика тижорат банклари фаолиятидаги ликвидлилик рискининг чуқурлашишининг асосий сабаби бўлиб, банкларда трансформация рискини чуқурлашиб кетганлиги ҳисобланади. Шу сабабли, тижорат банклари фаолиятидаги баланслашмаган ликвидлилик муаммосини ҳал қилиш учун муддати ўтган кредитларнинг мўътадил даражаси, ушбу кредитларнинг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражаси ва кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира

ажратмалари бўйича меъерий талабларга эришишни таъминлаш, тижорат банкларининг жорий ликвидлилиги бўйича меъерий талабни бажариш ва активлар рентабеллигининг мўътадил даражасига эришган ҳолда, активлар ва жалб этилган маблағларнинг муддатлари ва суммалари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш лозим [9].

Ҳақиқатан ҳам, С. Гадоев амалга оширган таҳлиллар кўрсатдики, республикамизнинг йирик тижорат банкларида активларнинг муддатлари билан мажбуриятларнинг муддатлари ўртасида жиддий мутаносиблик мавжуд.

**Таҳлиллар ва натижалар.** Ўзбекистон Республикаси банк амалиётида тижорат банкларининг ликвидлилигига нисбатан Марказий банк томонидан жорий этилган пруденциал талаблар уларнинг ликвидлилигини тартибга солишда муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг “Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги йўриқномасида тижорат банкларнинг ликвидлилигига нисбатан қуйидаги меъерий талаблар ўрнатилган:

1. Жорий ликвидлилик коэффициенти бўйича меъерий талаб. Жорий ликвидлилик коэффициенти жорий активлар суммасини (тўлов муддати 30 кунгача бўлган банкнинг ликвидли активлари ва қўйилмалари, бундан муддати узайтирилган ёки қайтариш муддати ўтган кредитлар мустасно) жорий мажбуриятлар (талаб қилиб олингунча ва ижро этиш муддати 30 кунгача бўлган мажбуриятлар) суммасига нисбати орқали аниқланади ва 30 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

2. Лаҳзали ликвидлилик коэффициенти бўйича талаб. Лаҳзали ликвидлилик коэффици-

енти банк кассасидаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ва Марказий банкининг қимматли қоғозлари ҳамда банкнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги ҳисобварақларидаги маблағлари (бундан Марказий банкдаги мажбурий захира ҳисобварағидаги маблағлар мустасно) суммасини талаб қилиб олингунча мажбуриятлар суммасига нисбати орқали аниқланади. Лаҳзалиликвидлилик коэффициенти 10 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

3. Ликвидлиликни қоплаш меъери коэффициенти бўйича талаб. Ликвидлиликни қоплаш меъери коэффициенти (ЛҚМК) юқори ликвидли активларнинг кейинги 30 кун ичидаги жами соф чиқимга нисбати сифатида аниқланади (ЛҚМК=юқори ликвидли активлар/кейинги 30 кун ичидаги жами соф чиқим).

Кейинги 30 кун ичидаги кирим кейинги 30 кун ичидаги чиқимнинг 75 фоиздан ошган тақдирда, кейинги 30 кун ичидаги кирим сифатида кейинги 30 кун ичидаги чиқимнинг 75 фоизи олинади.

Кейинги 30 кун ичидаги кирим ва чиқимнинг қайта ҳисоблаш коэффициенти Марказий банк томонидан ўрнатилади ва мажбуриятларнинг тури ва муддатига боғлиқ бўлади.

ЛҚМК 100 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

4. Соф барқарор молиялаштириш меъери коэффициенти бўйича талаб. СБММК барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммасини барқарор молиялаштиришнинг зарур суммасига нисбати сифатида аниқланади (СБММК=барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммаси/барқарор молиялаштиришнинг зарур суммаси). СБММК 100 фоиздан кам бўлмаслиги лозим [10].

#### 1-жадвал


#### Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг депозитлари ва трансакцион депозитларининг йиллик ўсиш суръатлари, фоизда [11]

Кўрсаткичлар	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Депозитлар	130,0	126,1	136,1
Трансакцион депозитлар	117,6	139,7	187,9

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, 2020 ва 2021 йилларда республикамиз тижорат банкларининг трансакцион депозитларининг ўсиш суръати жами депозитларнинг ўсиш суръатидан юқори бўлган. Бу эса, тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Чунки тижорат банкларининг ликвидлилигини баҳолашда жами депозитлар эмас, балки трансакцион депозитлар ҳисобга олинади. Республика тижорат банкларининг ликвидлилигига таъсир этувчи асосий омиллардан бири – бу хориждан жалб этилган кредитлар-

нинг пасивлар ҳажмидаги салмоғининг ўзгариши ҳисобланади.

1-расм маълумотларидан кўринадик, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан хориждан жалб этилган кредитларнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғи 2020 йилда 2019 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Бунинг устига, мазкур кўрсаткични 2021 йилда 2019 йилга нисбатан ошиши кузатилган. Мазкур ҳолатлар тижорат банкларининг ликвидлилигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.




**1-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг пассивлари ҳажмида хориждан жалб этилган кредитларнинг салмоғи, фоизда [12]**

Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, хориждан жалб этилган кредитларнинг асосий қисми сузувчи ставкада жалб этилганлиги сабабли, уларнинг риск даражаси юқоридир; иккинчидан, миллий валютанинг қадрсизланиш суръатининг юқори эканлиги хорижий валюталарда берилган кредитларнинг қайтарилишини қийинлаштиради.

Тижорат банкларининг ликвидлигига таъсир қилувчи муҳим омиллардан бири регулятив капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғининг ўзгариши ҳисобланади.

Регулятив капитал тижорат банклари фаолиятини молиялаштиришнинг барқарор манбаи бўлиш билан бирга, банклар учун “ҳимоя ёстиғи” вазифасини ўтайди. Базель-I стандартига кўра, тижорат банкларининг биринчи даражали капитали барқарор молиялаштириш манбаларидан ташкил топади ва банк оғир молиявий ҳолатга тушиб қолганида, биринчи даражали капиталдан фойдаланган ҳолда ушбу ҳолатдан чиқиб кетиши керак [13].



**2-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг пассивлари ҳажмида регулятив капиталнинг салмоғи, фоизда [14]**

2-расмда келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари пассивларининг умумий ҳажмида регулятивнинг капиталнинг салмоғи 2021 йилда 2019 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган. Бу эса, тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

**Хулоса ва таклифлар.** Тижорат банкларининг ликвидлигини тартибга солиш билан боғлиқ бўлган қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

Тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш 2020 - 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини

ислоҳ қилиш стратегиясининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Тараққий этган мамлакатларнинг банк амалиётида тижорат банкларининг ликвидлиги, асосан, юқори ликвидли қимматли қоғозларни сотиб олиш, активлар ва мажбуриятлар ўртасидаги мутаносибликка эришиш орқали таъминланади.

2020 ва 2021 йилларда республикада тижорат банкларининг трансакцион депозитларининг ўсиш суръатини жами депозитларнинг ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан хориждан жалб этилган кредитларнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғини 2020 йилда 2019 йилга нисбатан сезиларли даражада ошганлиги ва мазкур кўрсаткични 2021 йилда 2019 йилга нисбатан ошишини кузатилганлиги тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Республика тижорат банклари пасивларининг умумий ҳажмида регулятив капитал салмоғини 2021 йилда 2019 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайганлиги банкларнинг ликвидлигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Фикримизча, республикамиз тижорат банкларининг ликвидлигини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Тижорат банклари депозитларининг ўсиш суръатини трансакцион депозитларнинг ўсиш суръатидан ортада қолмаслигини таъминлаш учун, биринчидан, муддатли депозитларга нисбатан ўрнатилган мажбурий захира ставкасини пасайтириш орқали уларга тўланадиган фоизларнинг ставкасини ошириш имкониятини кенгайтириш лозим; иккинчидан, трансакцион депозитларнинг барқарор қолдиғини муддатли депозитларга тенглаштирилган ресурс сифатида баҳолаш керак; учинчидан, тижорат банкларининг депозит ва жамғарма сертификатларининг инвестицион жозибдорлигини ошириш орқали уларнинг эмиссия ҳажмини ошириш зарур.

Ҳозирги даврда республикамиз тижорат банклари трансакцион депозитлардан ресурс

сифатида фойдаланишмоқда. Бундай шароитда трансакцион депозитларнинг барқарор қолдиғини муддатли депозитларга тенглаштирилган ресурс сифатида баҳолашни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг хорижий валюталардаги муддатли депозитларга нисбатан ўрнатилган мажбурий захира ставкасининг даражасини (14 %) жуда юқори, деб ҳисоблаймиз.

2. Тижорат банклари пасивларининг умумий ҳажмида хориждан жалб этилган кредитларнинг салмоғини пасайтириш мақсадида, биринчидан, ички манбалар ҳисобидан шакллантириладиган хорижий валютадаги депозитларга тўланадиган фоизларнинг ставкаларини барқарорлигини таъминлаш лозим; иккинчидан, акцияларнинг инвестицион жозибдорлигини таъминлаш ҳисобига эмиссион даромад ҳажмини ошириш ва иккинчи даражали капитал миқдорини кўпайтириш имкониятларини кенгайтириш (субординациялашган қарз мажбуриятларининг эмиссия ҳажмини ошириш, консолидациялашган шўъба компанияларга қилинадиган инвестициялар миқдорини кўпайтириш) йўли билан регулятив капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғини ошириш керак.

Эътироф этиш жоизки, республикамиз тижорат банкларида регулятив капиталнинг мутлақ асосий қисми (90 фоиздан ортиқ қисми) биринчи даражали капитал ҳиссасига тўғри келади. Бу эса, уларни иккинчи даражали капитал ҳажмини ошириш имкониятларидан тўлақонли фойдаланмаётганлигини кўрсатади.

#### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли "Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси"ги фармони.//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.05.2020 й., 06/20/5992/0581-сон.
2. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С. 648.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони. 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида//Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.
4. Уоскин В.М. Современный коммерческий банк: управление и операции. – М.: ЛЕНАНД, 2019. – 328 с.
5. Джусангалиева К., Миллер А., Хакимжанов С. Пруденциальные требования по ликвидности и рискориентированный подход//Экономическое исследование №2022-3. Nationalbank.kz
6. Саченок Л.И., Демочка Е.Г. Управление ликвидностью коммерческих банков. //Международный научный журнал «Символ науки». – Севастополь, 2016. – №4. – С. 195-198.
7. Холмахмадов З.А. Миллий банк тизими: барқарорликни таъминлаш ва истиқбол//«Халқаро молия ва ҳисоб» илмий электрон журнали. – Тошкент, 2018. – № 4 – 5, август–октябрь.
8. Бердияров Б.Т. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш масалалари. И.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 73 б.
9. Гадов С.Ж. Тижорат банкларида ликвидлик рискин бошқаришни такомиллаштириш. И.ф.б.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 47 б.
10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/14-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 13 августда 2709-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) "Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2015. - №32. – 141-152-б.
11. Банк тизими кўрсаткичлари//www.cbu.uz
12. Тижорат банкларининг жамланма баланси//www.cbu.uz
13. Basel Committee on banking supervision. International convergence of capital standards. – Basel, 1998. <http://www.bis.org.publications>.
14. Банк тизими кўрсаткичлари//www.cbu.uz